

**MAS'ULIYATI
CHEKLANGAN
JAMIYATI**



**LIMITED
LIABILITY
COMPANY**

DEPO-INVEST-TRAST

O'zbekiston Respublikasi 100000 Toshkent sh., Osiyo ko'chasi, 6 uy, 87 xonadon tel./ fax. 150-39-53

2018 йил 4 майдаги
НО4-сонли

Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида ХУЛОСА

Акциядорлик жамияти: **“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки**
Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри,
Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй,
тел.: +998 (71) 140-00-88, эл.почта: info@trustbank.uz,
www.trustbank.uz

Мустақил ташкилот: **“DEPO-INVEST-TRAST” масъулияти чекланган жамияти**
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 6-уй, 87-хонадон
тел.: +998 (71) 150-39-53, эл.почта: depintra@mail.ru,
www.depintra.uz

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида (кейинги ўринларда - АЖ) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш 2017 йил 1 январдан 2017 йил 31 декабргача бўлган давр учун “DEPO-INVEST-TRAST” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – Мустақил ташкилот) томонидан АЖ билан 2018 йил 2 февралда тузилган НО4-сонли шартномага асосан амалга оширилди.

Мустақил ташкилот қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси бўлиб, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2014 йил 4 мартда берилган Инвестиция воситачиси сифатида 1258-сонли, Инвестиция маслаҳатчиси сифатида 1259-сонли ва Инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси сифатида 1260-сонли лицензияларга эга.

АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат ракобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Саволномага мувофиқ ўтказилди.

Мустақил ташкилот фақат АЖ томонидан тақдим этилган ва қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилган хужжатлар ва маълумотлар асосида АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Тақдим этилган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилган хужжатлар ва маълумотлар тўлиқлиги, мазмуни ва ишончилиги учун АЖнинг раҳбарияти жавобгардир.

Мустақил ташкилот АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил фикр билдириш учун етарли асослар беради деб ҳисоблайди.

**АЖ корпоратив бошқарувини баҳолашнинг йиғма
ЖАДВАЛИ**

№	Йўналишлар	Саволлар сони	Эҳтимоллий баллар		Ҳақиқий баҳо
			минимум	максимум	
1	Корпоратив бошқарув Кодексини жорий қилишга тайёрланиш ҳолатини баҳолаш	13	-135	135	105
2	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинишини баҳолаш	37	-360	360	40
3	АЖ ташкилий тузилмаси мувофиқлигини баҳолаш	3	-30	30	20
4	Танлов ўтказилишини баҳолаш	5	-45	45	-5
5	ХМҲС ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтишни баҳолаш	3	-50	50	50
6	Замонавий бошқарув тизимларини жорий қилишни баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар.)	5	-55	55	-55
7	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	-170	320	201
8	Молиявий натижаларни баҳолаш	4	-150	150	150
9	АЖ фаолиятининг бошқа йўналишларини баҳолаш	25	-205	55	45
	Жами	100	-1200	1200	551

АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш якуний натижасининг максимал натижага нисбатан фоиздаги кўрсаткичи: **46%**.

ХУЛОСА: Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра, жами ҳақиқий баҳо 551 балл ёки фоиздаги кўрсаткичи 46% эканлигини ҳисобга олиб, “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки фаолиятининг самарадорлиги **қониқарли** деб тан олинди.

2017 йил 1 январдан 2017 йил 31 декабргача бўлган давр учун “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисида Ҳисобот 71 варақда илова қилинади.

Директор



Х.А.Усманов